

ТАЪЛИМ БОШҚА ТИЛДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН МАКТАБЛАР БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАР НУТҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Олимжон Ешимбетов

Тошкент гуманитар фанлар университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада қорақалпоқ синфларида 2-4 синф ўқувчиларининг боғланишили нутқини ривожлантиришининг назарий ва амалий тавсиялари келтирилган. Унда бола тасаввурини бойитишга қаратилган дидактик ўйинлар, шеърий матнлар, экскурс мулокотлар хусусида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: нутқ, мулокот, тасаввур, тафаккур, экскурс, жараён, амалиёт, педагогика, синтаксис, образлилик, лирик кечинма, яхлитлик, конструктив, дидактика.

АННОТАЦИЯ

В данной статье приведены теоретические и практические рекомендации по развитию связной речи у учащихся 2-4 классов . Здесь говорится о дидактических играх, направленных на представление стихотворных текстов, вводных конструкций, общения

Ключевые слова. Речь, общение, представление, мышление, экскурс, процесс, практика, педагогика, синтаксис, образность, лирические отступления, целостность, конструктивность, дидактика.

ABSTRACT

This article provides theoretical and practical recommendations for the development of coherent speech in grade 2-4. There, we prepare for didactic, aimed at performances, poetic texts, introductory constructions of communication.

Key words: speech, communication, imagination, excursion, process, practice, pedagogy, syntax, imagery lyrical digressions, integrity, constructive, didactics.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллика эришгандан сўнг, таълим тизимини босқичма-босқич ислоҳ қилиш ҳамда жиддий янгилаш муаммоси долзарб бўлиб қолади. Ҳозирги шиддат билан ривожланаётган даврда миллий тилни ислоҳ қилиш ва ривожланишини таъминлаш асосий мақсадимиздир. Миллий тилнинг ижтимоий-рухий жараён билан узвий боғлиқ ҳолда тарақкий этиши, қўп ҳолларда ўзлашган сўзлар эвазига ҳам юз беради. Негаки, бола таълим-тарбиясида бевосита ўқитувчининг ўрни ва роли аҳамиятли бўлгани боис, уларнинг нутқини мунатазам равишда ўстириб боришни тақозо қилинади.

Қорақалпоқ синфларида “Ўзбек тили” фани ўқувчиларга фақат нутқ ўстириш учунгина ўтилмайди, балки уларнинг тўғри талаффузини шакллантириш билан биргаликда ёзма нутқини ўстиришга ҳам қаратилади.

Таълим қорақалпоқ синфларида олиб бориладиган гурухларда одатда, ўзбек тили 2-синфдан ўтилишини инобатга олсак, муаммога аниқ ечим топилгандек бўлади. Айнан ўқувчилар ўша даврда атрофидаги оламдан жуда кўплаб ахборотларни қабул қилишга мойил бўлади. Бу вақтда ўқувчи мустақил фикрлаш тарзига одатланса, нарса-буюмларнинг номларини тўғри талаффуз қиласа, матнни бехато ёзса, эшигтан сўзларини эркин мулоқот давомида эркин қўллашга ўзида куч топади.

Қорақалпоғистонда таълим тизимида – белгиланган расмий тил қорақалпоқ ва ўзбек тилидир. Қорақалпоқ синфларида ўзбек тилига, ундаги сўзларнинг маъноларини ўзлаштиришга эътибор берилса, шундагина мақсадга тўғри мўлжал олинган бўлади. Бунда ўқитувчидан фаоллик талаб этилади. Негаки, ўқитувчи ҳар бир машғулотга тайёрланган вақтида ёш ва синф нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда дастурли режа асосида иш олиб бориш лозим. Масалан, булар қайси шаклда амалга оширилади: биринчидан, ўқитувчи мавзуни аниқ ва пухта режа асосида ташкил қилиши; иккинчидан, мавзуга оида манбаларнинг ишончилилигини қайта текшириши; учинчидан, мавзуга оид талаффузи қийин сўзларни ўйин ва қўргазмалилик тарзида юзага чиқариши; тўртинчидан, мавзуга оид луғатлар тузиб ва улар ёрдамида бола хотирасига сингдириб бориши керак бўлади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Нутқий фаолият билан боғлиқ тадқиқотларда келтирилишича: “Яхши ривожланган нутқ жамиятда кишининг актив фаолиятининг муҳим воситаларидан биридир, ўқувчи учун эса нутқ мактабда муваффақиятли таълим олиш воситасидир. Болани кичик ёшиданоқ равон гапиришга ўргатиш лозим. Ўқувчилар нутқини ўстириш учун ўқитувчилар ўқувчилар нутқнинг талаффузи, луғати, синтактик қурилиш ва боғланишли нутқини актив ўзлаштиришга ёрдам берадиган метод ва усуллардан фойдаланиши керак бўлади”¹. Дарҳақиқат, келтирилган маълумотда икки жиҳат эътиборимизни жалб қиласи, биринчидан, боғланишли нутқ табиатан бола тасаввурларининг ўсиб-улгайиб боришида аҳамият касб этса, иккинчидан, уни тарбия қилаётган муҳит ва оила ўртасидаги алоқа, муносабат, амалга ошади. Айниқса, бола уйда ёлғиз қолган пайтлари, ўзининг истаклари кетидан эргашади, телевизор томоша қиласи, ўйинчоқ

¹ Ахмаджанова М., Маматкулова Д. Бошлангич синф ўқувчиларининг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш тизими // Молодой учёный №4. Научный журнал. Международная конференция. - .

ўйнайди, расм чизади. Демак, нутқий кўникмани ҳосил қилиш жараёнида болага мунтазам оптимал равишда эътибор қаратиб, унинг нима билан машғул бўлаётганига ота она ҳам қизиқиши шарт. Чунончи, мулоқот, оиласдаги муҳит, жонли парвариш, эътибор биринчи галда бола дуёнқарашига тез таъсир қиласидиган, таъсирчан воситаларни жалб этишини талаб қиласиди.

Хозирги кунда мактабларда ўқитувчининг жонли мулоқоти нутқига техник воситаларни жалб қилиш кўзланган мақсадга эришувга ёрдам беради. Ўқитувчининг синф аҳли билан мунтазам мулоқот қилиши ҳам уларнинг оғзаки нутқини ўстиришда катта аҳамиятга эга. Бу ўринда сўзловчи кўпинча сўзларнинг содда турини қўллайди, шу орқали бола дунёқарашини чархлаб боради. Оғзаки нутқда такрорланган градация, муболаға ва киноявилик, қиёслаш методлари, турли маъно кўчимларини ҳам кенг истифода қилиш заруратини юзага келтиради.

Катта ёшга қадам қўйган ўқувчи ўз она тилини ўрганганидек, бошқа тилни ўргатишда ҳам қиёсий тасаввурлардан фойдаланади. Булар қуйидаги шаклда олиб борилса натижали бўлади:

- биринчидан, шеърий матн ҳиссий-эмоционал тасаввурларни ифода қиласиди;
- иккинчидан, сўз ва унинг маъно қатламларини қайта идрок этишга замин яратади;
- учинчидан, жамоавий мулоқот кўпинча англанмайдиган саволларга хос жавоб топишга етаклайди;
- тўртинчидан, нутқий кўникманинг шаклланиши, ўқитувчи режали мулоқотининг натижаларидан дарак беради.

Демак, ўқитувчи шеърий матнни ўзи ифодали ўқиб бериши зарур. У ўқувчига оғзаки етиб боради. Қабул қилиш жараёнида ўқувчининг маълум сўзларни билиб олиши баробарида, унга ўз шахсий муносабатини билдиришга, эркин муомала юритиш малакасини эгаллашга ёрдам беради.

Масалан шеърий матнга мурожаат қиласиз:

Жаҳонки муқаддас нени кўрибди,

Барига онасан, эй қодир ҳаёт.

Беш юз йил наридан боқиб турибди,

Нурли бу юзларга нуроний бир зот.

Шу буюк ўғлингни ардоқлаб дилдан, -

Халқим, таъзим этсанг арзигай тамом.

Унинг номи билан бирга битилган,

Дунё дафтарига ўзбек деган ном¹.

Боғланишли нутқини шакллантириш учун шеърий матн дастлабки асос вазифасини ўтайди. Мазмуний, ҳиссий англанган воқелик ва кечинма яхлитлиги ўқувчини нафақат тасаввурга, балки уни теран ўйлашга чорлайди. Ўқувчи жаҳонда Алишер Навоий номининг буюк даҳо эканлигини бир ўқишидаёқ англаши мумкин. Ахборот шаклида таништирилган мазкур байтларда давр нафасини ҳис қилиш қийин эмас. Негаки, тарих ва келажак ўртасидаги дунё манзараси ўқувчида фалсафий-эстетик мушоҳаданинг теранлашувига замин яратади.

Қорақалпоқ синфларида ўқитиладиган табиатшуносликка оид фанларда ҳам ўқувчи нутқини ўстиришга қаратилган талай кўргазмали воситалар қўйилган. Айниқса, Орол фожеаси билан боғлиқ ранг-тасвир маҳсулотлари ўқувчилар тасаввурида табиатга бола қарашларини шакллантирибгина қолмай, балки уларни бу жараённинг фаол билимдони бўлишга, ички қизиқишиларининг янада теранлашувига шароит туғдиради. Булар экспурсия вақтида кўрган предметларини ўқитувчи изоҳлаши ёрдамида гуруҳларга бўлиб, уларни саралаб, синтезлаб таҳлил қиласидар. Бундай ёндашув фақатгина экофожианинг заарли оқибатларидан дарак берибгина қолмай, уларнинг қандай заминда яшаётганини эслатиб, келажакда бундай оғатларни бартараф қилувчи муҳандис бўлиб ҳам шаклланишига ҳавас уйғотади.

Ўқувчилар нутқини уларнинг тафаккуридан ажратиб тасаввур қилиб бўлмайди. Нутқ тафаккур негизида шаклланиб, такомиллаша боради. Бу педагогик тажрибада синалган ҳодисадир. Қорақалпоқ синфларида таълим оловчи ўқувчиларнинг ўзбек тилида эркин ва бежирим гапира олиши, ёза билиши, мулоқот қилиши асносида сўзларни бехато талаффуз қилиши кўп ҳолларда ўқитувчининг масалага систематик ёндашувига боғлиқ бўлади.

Мулоқот – инсон руҳий-маънавий дунёсининг маҳсули. Мулоқот кишилик жамиятининг муҳим асоси. Усиз ҳеч бир ижодий сифат юзага чиқмайди. Ўқувчи ўз талаффузи билан қай даражада масалани ўзлаштириб бораётганини англаб, ўзи ҳакида ўзига баҳо бериб боради. Ўзбек тили дарслари, болалар нутқини, лугат бойлигини бойитишга самарали ёрдам беради, нутқни тузишни ўргатади.

Умуман, таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактабларда ўқувчилар боғланишли нутқини тартибли ташкиллаштириш учун ўқитувчидан масъулият ва матонат талаб қилинади. Зоро, нутқий кўникма, маҳорат, соҳанинг янгиликларидан, педагогик тавсиявий характердаги кўрсатмалардан

¹ Орипов А. Танланган асарлар. Сайланма, 1-жилд. –Т., Адабиёт ва санъат нашриёти. 1999. –Б. 56.

яхши хабардор бўлиш ҳам яхши самара беради. Зотан, ақлий ва ҳиссий фаолият бир-бирини тўлдирувчи икки инсон хусусиятларидир. Унда киши тажрибаси, характеристики, муомала маданияти ўз ифодасини топади. Жами унсурлар, тавсиявий характеристики масалалар реал моҳият касб этиб, ислоҳатчилик тамойилларининг натижалилигини оширишга хизмат қилиши шубҳасизdir.

REFERENCES

1. Аҳмаджанова М., Маматқурова Д. Бошлангич синф ўқувчиларининг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш тизими://Молодой учёный №4. Научний журнал. Международная конференция. -.
2. Орипов А. Танланган асарлар. Сайланма, 1-жилд. –Т., Адабиёт ва санъат нашриёти. 1999. –Б. 56.
3. Аминова М.Н., Мажидова М. Тарбия (ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия) –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2010.
4. Таълим жараёнида нутқ маданиятини шакллантириш масалалари. Ўзбекистон тилидан доимий 5-анжуман материаллари. –Т.: “Шарқ”, 199.
5. Ғуломов А., Қобилов Б. Нутқ ўстириш машғулотлари. –Т.: “Ўқитувчи”, 1995.